2016 ЙИЛ 18 ОКТЯБРЬ, СЕШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 213 (13.276)

Баҳоси эркин нархда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИНИ КИРИТИШ ҲАҚИДА ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига

Мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш юзасидан қатор чора-тадбирлар изчил амалга ошириб келинмоқда.

Тарихан қисқа давр ичида мамлакатда қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлашнинг институционал ва ҳуқуқий асослари шакллантирилди, коррупцияга қарши курашишнинг самарали тизими яратилди.

Мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга ошириш давомида миллий қонунларга халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларини сингдириш масаласига алоҳида эътибор берилди ва бу муносабат 2008 йилда қабул қилинган “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши конвенциясига (Нью-Йорк, 2003 йил 31 октябрь) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши тўғрисида”ги Қонунда ўз аксини топди.

2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истамбул ҳаракат дастурига қўшилди.

Сўнгги йилларда коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган бир қатор муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан Бюджет ва Божхона кодекслари (янги таҳрирда), “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги, “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги, “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги, “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги, “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунлар қабул қилинди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш, ишчанлик муҳитини яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун қулай шароитлар яратиш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ҳамда лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, давлат харидлари механизмларини такомиллаштириш, давлат хизматчиларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлашга доир бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш мақсадида илғор хорижий тажрибани ҳисобга олган ҳолда “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Қонун лойиҳаси коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тўлиқ қонуний тартибга солишга, давлат органлари, ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилаётган коррупцияга қарши қаратилган чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга, шунингдек коррупцияни ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидан тўлиқ бартараф этишга, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш орқали жамиятда коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига тоқат қилмаслик муҳитини яратишга қаратилган.

Қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашишнинг асосий принциплари ҳамда бу борадаги давлат сиёсатининг муҳим йўналишлари, ваколатли органлар тизими, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқароларнинг мазкур соҳадаги иштироки, шунингдек халқаро ҳамкорлик мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Бундан ташқари, коррупцияга қарши курашувчи субъектларнинг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва ҳамкорлигини кучайтириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясини тузиш ва унинг таркибига тадбиркорлар жамоат бирлашмаларининг ҳамда фуқаролик жамияти бошқа институтларининг вакилларини киритиш назарда тутилмоқда.

Шундай қилиб, қонуннинг амалга киритилиши фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминлашнинг қўшимча ҳуқуқий кафолатларини яратади, хусусий мулк ҳуқуқига ғайриқонуний тажовузларни, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувларни чеклашга кўмаклашади ва натижада ишчанлик фаоллиги ўсишига ҳамда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ошишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг муҳокамасига киритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2016 йил 14 октябрь

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИСЛОҲОТЛАР ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз миннатдорлик хатлари жўнатмоқда.

Биринчи Президентимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида “юксак иродали инсонга суяниш мумкин”лигини таъкидлаган: “Бундай кишилар бошингизга бирор-бир ташвиш ёки муаммо тушгудек бўлса, лоқайд қараб туролмайди. Ҳеч иккиланмасдан, ёнингизда туриб, қўлидан келганча ёрдам беришга, қийинчиликларни сиз билан биргаликда енгишга ҳаракат қилади”.

Бугун Ўзбекистон ҳукумати порталида фаол ишлаётган Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига (pm.gov.uz) юртдошларимиздан муаммолари, ариза ва шикоятлари тезда ҳал қилингани учун миннатдорлик хатлари, ҳаётий таклифлар келиб тушмоқда. Уларни ўқиркансиз, Соҳибқирон Амир Темурнинг давлат бошқарувидаги “Куч – адолатда” шиори барҳаёт ва бардавомлигига, Биринчи Президентимиз таъкидлаган “ирода – бу аслида мустаҳкам ишонч” ҳикмати нақадар ҳаётий ҳақиқат эканига яна бир бор амин бўласиз.

Янгийўллик Алишер Турсунов шу йил бошида туман Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси ўтказган танловда ғолиб бўлиб, 38 гектар ерда “Бахт Камол Эрки” фермер хўжалигини ташкил этган. Фермернинг айтишича, бу йил ғалла шартномасини 110 фоизга бажариб, нияти ғалланинг пулига кичикроқ бир трактор сотиб олиш эди. Бирок “Ўздонмаҳсулот” АК таркибидаги “Ғалла-Алтег” акциядорлик жамияти фермер хўжалигининг 50 миллион сўм пулини бермай, тадбиркорни уч ой сарсон қилган.

– Шу уч ой ичида деярли барча ваколатли ташкилотларнинг “Ишонч телефони”га қўнғироқ қилдим, фойдаси бўлмади, бу ёкда ерни ҳайдаб берган трактурчилар кунора уйимга келиб пулини қистайди, – дейди А.Турсунов. – Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига мурожаатимдан сўнг уч ойда битмаган ишимни уч кунда ҳал қилиб беришди: кўнглим тоғдай кўтарилиб кетди, тракторчилардан ҳам қарзимни уздим. Бу виртуал қабулхона биз, тадбиркорлар учун суянч тоғи бўлмоқда, бу бизни янада катта куч-ғайрат билан ишлашга ундамоқда.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси, айниқса, қишлоқ жойлардаги аҳолининг ҳуқуқий маданияти ошиб боришида самарали восита, ойдин кўзгу бўлмоқда. Сурхондарё вилояти Шеробод туманидан Гулихон Вафоева 6 октябрда жўнатган хатида шундай ёзади: “Ҳурматли Ўзбекистон Республикаси Бош вазири. Сизга уч масала бўйича амалий ёрдам сўраб, ариза ташлагандим: оилавий, қишлоқ шароити ва “Ucell” компаниясида мобиль алоқа яхши эмаслиги ҳақида. Мутасаддилар келиб, оилавий ва қишлоқ хўжалиги масалаларини ҳал қилиб беришди. “Ucell” компанияси вакилари қишлоғимизга антенна ўрнатиш бўйича ишларни бошлаб юборди. Қишлоқда яшаётган биздек оддий фуқароларнинг дардига қулоқ тутиб, масалаларимизни ҳал этиб бераётганингиз мисолида сизнинг Биринчи Президентимиз ғояларига нақадар содиқ эканингизга амин бўлдик”.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИҲТ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИДАГИ РАИСЛИГИ ХОРИЖЛИК ЭКСПЕРТЛАР НИГОҲИДА

2016 йил 18-19 октябрь кунлари Тошкентда бўлиб ўтадиган Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги 43-сессияси хорижий давлатларнинг эксперт-таҳлил, ишбилармон доиралари ва оммавий ахборот воситалари вакилларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мурат БАЛКАН, “Kurt & Kurt A.S” компанияси президенти (Туркия):

— Ўзбекистон мусулмон дунёси олдида турган кечиктириб бўлмайдиган муаммоларни кўтариб чиқмоқда ва ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги сессияси учун жуда долзарб кун тартибини таклиф қилаяпти. Ҳозирги пайтда дунёда кескин сиёсий, иқтисодий ҳамда гуманитар рақобат мавжуд. Бундай шароитда ИҲТ давлатларимизнинг интеллектуал, илмий-техникавий ва технологик салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда уни янада ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратмоғи лозим. ИҲТ Ташқи ишлар вазирлари кенгашига раислик қиладиган Ўзбекистон томони айнан шуни таклиф этаётир.

Бугунги кунда мусулмон мамлакатлари ўзларининг ялпи ички маҳсулотларининг ўртача 0,46 фоизини илмий тадқиқот ишланмаларига ажратмоқда. Бу борада дунёдаги ўртача кўрсаткич эса 1,86 фоизни ташкил қилади. Биз, Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар Ўзбекистон таклиф этаётган “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик йўли” шиори тўла қўллаб-қувватланган ҳамда амалда ҳаётга татбиқ этилган тақдирдагина узоқ муддатли асосда жаҳон бозоридаги ўз ҳолатимизни ва рақобатдошлигимизни яхшилаб олишимиз мумкин. Бу масалада бундан яхшироқ ҳамда асосли ёндошувни топиш мушкул.

Сарухан БАЛАБАН, “TAV Construction” компанияси бош директори (Туркия):

— Тошкент замонавий дунёдаги энг йирик бирлашмалардан бири — Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг мажлисини қабул қилмоқда. Агар 1,5 миллиард киши, яъни Ер сайёрасининг салкам 20 фоиз аҳолиси яшайдиган, дунёдаги нефть захираларининг 59,6 фоизини, табиий газнинг 70 фоизини, қишлоқ хўжалиги майдонларининг 28,8, сув ресурсларининг 13,5 фоизини ИҲТга аъзо давлатлар назорат қилиши ҳисобга олинадиган бўлса, ушбу учрашув биз учун қай даражада муҳим эканлиги яққол аён бўлади.

Олдинда турган сессиянинг аҳамияти унинг иштирокчилари обрўли таркиби билангина эмас, балки ИҲТнинг мазкур институтида Ўзбекистон раислигининг алоҳида роли ҳамда Тошкент томонидан илгари сурилган “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик йўли” шиори остидаги ғояларнинг ўта муҳимлиги билан белгиланади.

(Давоми 3-бетда)

Сайлов – 2016

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

2016 йил 14 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг X қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзод ҳамда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастурини тасдиқлаш, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия ташкилотларининг ташкилий ва сиёсий вазифаларини муҳокама этиш, шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уставига қўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалалар муҳокама этилди.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сайлов тизими, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига оид мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 24-моддасига мувофиқ, фақат сиёсий партиялар томонидан кўрсатилади.

Шундан келиб чиққан ҳолда, қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VI пленумида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига партиядан таклиф қилинган – ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси, партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов номзоди тасдиқланди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН “МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ” ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

2016 йил 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг навбатдаги съезди бўлиб ўтди.

Съездда 2016 йил 4 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни тасдиқлаш масаласи муҳокама этилди.

Амалдаги сайлов қонунчилигига асосан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир. Қонунчилик ва партиянинг уставига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия томонидан номзод кўрсатиш партиянинг олий органи – съезди томонидан амалга оширилади.

Делегатлар партиянинг VII пленумида тавсия этилган “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Сарвар Садуллаевич Отамуратовни партиядан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида тасдиқлади.

Съездда номзод делегатларни сайловолди дастури билан таништирди. Делегатлар мазкур дастур юзасидан фикр-мулоҳаза билдирди.

Съездда таъкидланганидек, мамлакатимизда амалга оширилган демократик ислоҳотлар ҳамда дастурий мақсад ва ғоялардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлиб ўтадиган сайловда партиянинг муносиб иштирокини таъминлаш муҳим вазифадир.

(Давоми 2-бетда)

“АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

2016 йил 15 октябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди.

Қурултойда Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди ва унинг сайловолди дастури тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан жорий йилнинг 4 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови эълон қилинди.

“Адолат” СДП ҳам мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқимизга янада тўкис, фаровон турмуш шароитларини яратиш, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, маънавий соҳалардаги ислоҳотларда фаол иштирок этишни мақсад қилган сиёсий куч сифатида ушбу сайловда муносиб иштирок этишга киришди.

Қурултойда жорий йил 17 сентябрь куни бўлиб ўтган “Адолат” СДП Сиёсий кенгашининг VI пленуми қарорига мувофиқ партия Сиёсий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Наримон Мажитович Умаровнинг номзоди Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилиши муҳокама қилинди.

Қурултой иштирокчилари “Адолат” СДПнинг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоди Н.Умаров етарли ҳаётий тажрибага эга экани, сафдошлари орасида обрў-эътибор қозонганини инобатга олган ҳолда бўлажак сайловда иштирок этиш учун муносиб номзод эканини қайд этди.

(Давоми 2-бетда)

БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИМИЗ БОШЛАГАН БУЮК ИСЛОҲОТЛАР ҒАЙРАТ ВА ШИЖОАТ БИЛАН ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига муаммолари тезда ҳал қилинаётгани учун юртдошларимиз миннатдорлик хатлари жўнатмоқда.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Яна бир мисол: Бухоро вилояти Олот туманида истиқомат қилувчи Норжон Сафарова яқинда дўкондан икки қоп ун сотиб олади. Айтишича, аввало, пластик карточка орқали савдо қилгани учун унга унни қимматроқ сотишади. Боз устига биринчи нав деб берилган ун анча сифатсиз бўлиб чиқади. Н.Сафарова дўкондор билан келишолмагач, адолат излаб туман солиқ идорасига боради. У ерда аёлга Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг "Ишонч телефони"га мурожаат қилишни айтишади. Қўмитанинг ҳудудий бошқармасидан Норжон опани Олот тумани давлат санитария-эпидемиология назорати марказига юборишади. Бу ерда Н.Сафарова сифатсиз унни лаборатория текширувидан ўтказиб, шу хулоса асосида судга мурожаат этиши керак эди. Икки қоп ун келтирган шунча даҳмазадан боши гангиган аёл "икки қоп унга куйдим-да", деб шалвираб уйига қайтаркан, телевидение орқали Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси ҳақида эшитиб қолади.

– Дарҳол 10-00 қисқа рақамига мурожаат қилдим, масала тезда ҳал бўлди, – дейди Н.Сафарова. – Ишим-ку битди, лекин ўйлайман-да: одам ҳатто айтишга хижолат бўладиган шундай кичик масалани Бош вазир даражасигача олиб бориш керакми? Шуларни туман доирасида ҳал қилса бўлмайдими? Бунга нима халал беради? Ҳаммага маълум гап: қуйи бўғинлардаги айрим раҳбару ходимлар қоғозда гўё ҳамма масалани ҳал қилаверар, бу муаммолар аслида ҳаётда ечилмай ёки ахвол ўзгаришсиз қолаверарди. Энди ҳеч ким бундай қилолмайди. Чунки Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси мамлакатимизнинг барча жойидаги асл вазиятни ойнадай кўрсатиб бермоқда.

Фарғона вилояти Марғилон шаҳридаги "Texygen" МЧЖ Россияга ип-калава маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича шартнома имзолаган. Шу йил 1 октябрда "Агробанк"нинг Марғилон шаҳар филиали ва Фарғона вилояти божхона бошқармаси уланган ташқи савдо операциялари ягона электрон ахборот тизимида юз берган носозлик туфайли экспорт тўхтаб қолади. *"6 октябрда Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига амалий ёрдам сўраб мурожаат қилган эдик. Банк ва божхона ходимларининг хизматлари туфайли 7 октябрда корхонамиздан 42 минг АҚШ долларилик маҳсулот экспорти амалга оширилди. Тезда амалий ёрдам кўрсатиб, хорижий ҳамкорлар олдида юзимизни ёруғ қилгани учун Ўзбекистон Бош вазиридан миннатдормиз"*, дейилади "Texygen" МЧЖ директор ўринбосари Авазхон Мўминовнинг pm.gov.uz манзилига жўнатган хатида.

Ҳа, адолатнинг катта-кичиги бўлмайди. Кўлами, моҳият-эътиборидан қатъи назар, ҳар бир инсон ҳаётида лоақал битта масала ечилса ҳам, шу шахснинг давлат ҳокимиятига, жамиятга, эртанги кунга ишончи мустаҳкамланади. У энди тонгда катта меҳнат иштиёқи ва яшаш завқи билан уйғонади, халқ фаровонлиги, давлат ва жамият тараққиётига нимадир ҳисса қўшишга чоғланади. *"Маҳалламизда цемент қоплаш ишлари бажарилаётгани оқибатида зарарли чангдан ён-атрофдаги 40-50 хонадон аҳли, айниқса, фарзандларимизнинг тез-тез аллергия бўлишидан азият чекаётган эдик. Бир йил давомида жавобсиз қолган аризамизни беш кунда ҳал қилиб бергани учун барчамиз Бош вазиримиз Шавкат Мирзиёевдан миннатдормиз. Экология соҳаси ходимлари келиб, бу муаммога чек қўйишди"*, дея хат йўллаган Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек туманида истиқомат қилувчи Музаффар Абдураҳмонов. *"2014 йилдан бери ҳовлимнинг кадастр ҳужжатини қилолмаётган эдим. Виртуал қабулхонага мурожаатимдан бир кун ўтиб, уйимга туман кадастр хизмати ходимлари келиб, ҳовлимнинг кадастр ҳужжати тайёр эканини айтишди. Бу портал – чин маънода халқ минбари, муаммолар ва уларнинг ечими акс этадиган кўзгу бўлмоқда. Бунга ўз ҳаётимда амин бўлдим"*, дея миннатдорлик хати йўллаган Тошкент шаҳри Миробод туманида истиқомат қилувчи Саида Содиқова.

Чирчиқ шаҳридан Темур Киндус шундай ёзади: *"4 октябрда "Ўзсаноатқурилишбанк" АТБ Чилонзор филиали ходимларининг миллий валютани хорижий валютага конвертация қилиш бўйича берган рад жавоби юзасидан қилган мурожаатим эртаси куниёқ ҳал бўлди. Муаммоларга шундай тез суръат билан самарали ечим топишга хизмат қилаётган виртуал қабулхонага раҳмат айтаман"*. Ёки Навоий шаҳридан Бахтиёр Усеинов ҳам ўз хатида pm.gov.uz манзилига мурожаатдан сўнг *"қисқа вақтда Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки 500 АҚШ долларини конвертация қилиб берган"*ини ёзган.

Ижтимоий муаммолар ҳақида гап кетар экан, бу борада коммунал соҳа ҳамон энг оғриқли экани барчамизга аён. Эътиборлиси, Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига коммунал соҳадаги муаммолар ҳал этилгани боис кўплаб миннатдорлик хатлари келмоқда. Хусусан, мурожаатдан сўнг Тошкент шаҳри Шайхонтоҳур туманида яшовчи Дилшод Абдувалиев, Миробод туманида истиқомат қилувчи Ойтўла Солиҳова хонадонларида газ таъминотидан нотўғри ҳисобланган катта миқдордаги қарздорлик бекор қилинди. Олмазор туманида яшовчи Марваридхон Ибрагимова *"Катта раҳмат, прокуратура ходимлари электр таъминотини тиклашга ёрдам беришди. Ҳар қандай мурожаат ниҳоятда тезкорлик билан ўрганилиб, муаммолар бартараф этилмоқда"*, деб ёзса, "Бундай тезкорлик ва ҳозиржавобликка қойилмиз! Шикоятимиз дарҳол ўрганилиб, муаммо барҳам топди: ҳовли саҳни тоза, озода, ҳамма аҳлат олиб ташланиб, ёнатроф тартибга келтирилибди. Барчаси учун катта раҳмат!", дея раҳмат йўллаган чилонзорлик Анастасия Ли.

Турли масалаларда ёрдам ва кўмак сўраб қилинаётган мурожаатлар ҳам ўз вақтида ҳал бўлмоқда. Бухоро тумани "Шергирон" қишлоқ фуқаролар йиғинидан Нигинабону Бақоева шу йил 25 сентябрда юборган мурожаати асосида иш билан таъминланди. Фарғона шаҳридан Рўзматжон Аҳмедов *"мурожаатимдан сўнг мени Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонасига чақиришиб, яқин кунларда иш берилишини айтишди. Ишга киришимдан ҳам кўра, Бош вазиримизнинг биздай оддий фуқароларнинг мурожаатига шундай юксак эътиборидан беҳад қувондим"*, деб ёзади. Хоразм вилояти Урганч туманидан Ойбек Эрназаров ҳам ёрдам сўраб ёзган мурожаати эътиборга олингани учун бир умр миннатдор эканини ўз хатида таъкидлаган: *"Бугун уйимизга ҳокимиятдан мутасаддилар келиб, синглимни тез орада Тошкентга юбориб, жарроҳлик амалиёти ўтказишда ёрдам беражакларини айтиб кетишди. Бу яхшиликларни ҳеч қачон унутмаймиз"*. Виртуал қабулхонага мурожаатидан сўнг Тошкент шаҳри Яккасарой туманида яшовчи Шаҳрибону Ахтамовани Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлигига чақириб, санъатда ўз йўлини топишига ёрдам кўрсатишга ваъда беришди.

Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига келаётган хатлар орасида бу хайрли ташаббусни қўллаб-қувватлаб, миннатдорлик билдирилган тилаклар жуда кўп. Уларни бир жиҳат бирлаштириб туради: Биринчи Президентимиз Ислом Каримов асос солган ва бошлаб берган кенг қамровли ислоҳотлар катта шиддат ва куч-ғайрат билан изчил давом эттирилаётгани халқимиз руҳини янада кўтармоқда, эртанги кунга ишончини мустаҳкамламоқда. Термиз шаҳридан Отабек Нормуродов, Навоий вилояти Кармана туманидан Дилбар Мугинова каби тадбиркорлар Ўзбекистон Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевга шу йил 5 октябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишини таъминлаш, хусусий мулк ҳимояси, унинг дахлсизлиги кафолатларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорлик ривожидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишга хизмат қилишини айтиб, самимий миннатдорлик изҳор қилган.

Виртуал қабулхонага ёшларимиздан ҳам кўплаб хатлар келиб тушмоқда. Чилонзорлик "Камолот" ЁИҲ фаоли Диляра Мелдебекова мамлакатимизнинг қатор шаҳарларида янги кўп қаватли турар-жойлар барпо этиш борасидаги хайрли ташаббус, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг С.Сирожиддинов номидаги академик лицейи ўқувчиси Тўра Тўраев лицей ёшлари номидан давлатимизнинг навқирон авлод камолотига кўрсатаётган юксак эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирган. Улар орасида пойтахтимизнинг Учтепа туманидаги 44-мактабнинг 5-синфида ўқиётган Эмир-Асан Боқиевнинг Ўзбекистон Бош вазирига ёзган хати эътиборимизни тортди: "Бугун Сизнинг Сергели туманидаги мактаблардан бирига борганингизни эшитиб, синфдошларим билан шу хатни ёзишга келишдик. Барчамиз Сизнинг мактабимизга келишингизни жуда хоҳлардик. Мен сурат чизишга жуда қизиқаман. Сентябрда "Самарқанд" картинасини чиздим. Агар мактабимизга келсангиз, шу суратни Сизга совға қилмоқчи эдим".

Бу мисоллар Бош вазирнинг виртуал қабулхонасига бўлаётган ҳар бир мурожаат қатъий назоратга олинганидан, уларда кўтарилган масалалар тезда ечим топаётганидан далолат. Бунда мурожаат қилувчилар ўз шикоят-аризалари Бош вазир даражасида кўрилаётганини чуқур англаб етишлари лозим. Чунки барча шикоятчи ҳам ҳақ бўлавермайди: кимдир шошиб ё адашиб, масаланинг туб мазмунига етиб-етмай, ҳатто нотўғри маълумотлар билан ҳам арз қилади. Бироқ шикоят қилувчи буни ўз вақтида англаб етиб, тан олса – бу ҳам маданият ва маънавий етуклигининг бир ифодаси. Мазкур виртуал қабулхонага келаётган мурожаатларда ҳам буни кузатиш мумкин. Жумладан, Хоразм вилояти Қўшкўпир туманидан Ринат Абдуров ўз хатида шундай ёзади: *"2016 йил 29 сентябрда дадамнинг умумий аҳволи ва уни мунтазам даволаб келган врачлар ҳақида ёзганман. Мурожаатим текширилганда, билдимки, Хоразм вилояти онкология диспансерида ҳақиқатдан ҳам кимёвий препаратлар таъминоти 30-35 фоизни ташкил этар экан. Бу препаратлар диспансерда бор пайтида дадамга тўлиқ берилган, қолган вақти ўзим сотиб олганман. Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 191-буйруғи билан таниш бўлмаганим сабабли врачлар ҳақида нотўғри фикрга борган эканман. Кимёвий препарат тақсимоти бўйича қонунбузарлик бўлмаганини англадим"*. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани Сувсултон қишлоғидан Лочин Жўраев ҳам виртуал қабулхонага мурожаат қилиб, "адашиб, нотўғри хабар ёзгани учун" кечирим сўраган: *"Ўзим Тошкентда яшайман, қишлоғимда газ таъминоти етарлича йўлга қўйилган экан. Менга келган нотўғри хабарга асосланиб, Сизга илтимоснома ёзгандим. Мурожаатимни кўриб чиққанингиз учун раҳмат, англашмовчилик учун узр сўрайман"*.

Маълумки, ҳар бир мурожаатни кўриб чиқиш, тўғриниш, таҳлил этиш вақт талаб қилади. Агар мурожаатларда кўтарилаётган масалалар муайян ҳудуд, одамлар, умуман, жамиятимиз учун фойдали, адолатли ва ўринли бўлса, нур устига нур.

...Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг виртуал қабулхонасига келаётган миннатдорлик хатлари, таклифлар, тилакларни ўқиркансиз, уларнинг барчасида эзгу ният, эзгу сўз, эртанги кунга мустаҳкам ишонч мужассам эканига амин бўласиз. Шунда беихтиёр Биринчи Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида айтган буюк даъват онг-қалбимизда жаранг сочади: *"Бу ҳаётда одам баъзан ўзини йўқотиб қўядиган ғоят мураккаб муаммоларга дуч келади. Кескин вазиятдан чиқишнинг иложи йўқдек туюладиган ҳолатлар бор. Шундай пайтда, ишда ва ҳаётда, жамиятда оғир савдоларга дуч келганда ким ўзининг йўлини йўқотмаслиги мумкин? Ўйлайманки, биринчи навбатда ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бақувват бўлган одамгина бундай вазиятдан ёруғ юз билан чиқа олади. Маънавий бойлик шундай пайтда одамга катта куч ва мадад беради"*.

Истагимиз – ўз кучига ишонган, руҳий дунёси, маънавий олами бой одамларимиз кўпаяверсин. Бош вазирнинг виртуал қабулхонаси бу йўлда уларга мададкордир.

ЎзА

Сайлов – 2016

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ҚУРУЛТОЙИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг сайловолди дастури тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Таъкидландики, Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг дастури партиянинг асосий мақсадларига асосланади. Унинг устуворлиги жамиятнинг барча аъзолари учун ҳар томонлама ривожланиш ва ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлашга йўналтирилган. Бундан кўзланган мақсад аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган кучли ижтимоий сиёсатни юритишдан иборатдир.

Сайловолди дастурида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишини, фуқароларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлиги қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилишини, ёшларга, уларнинг ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, касб танлаш, таълим олиш ва ўқув муассасаларини битиргач, албатта, иш ўрнига эга бўлишлари учун адолатли, тенг ва ижтимоий жиҳатдан мақбул шарт-шароитлар яратилишини, пенсионерлар, ногиронлар, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар ва аҳолининг меҳнатга лаёқатсиз бошқа ижтимоий гуруҳлари ҳаётий эҳтиёжлари тўлиқ қондирилишини кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг самарали тизими шакллантирилиши билан боғлиқ масалалар қамраб олинган.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампаниясида Ўзбекистон ХДП ташкилотлари олдида турган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Сайлов кампаниясининг барча босқичларида партия ташкилотларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш мақсадида тузилган штаблар фаолиятини самарали ташкил этиш, сайлов участкаларида иштирок этадиган кузатувчиларни ҳуқуқий жиҳатдан тайёрлаш, билим ва кўникмаларини ҳар томонлама ошириш, ишончли вакилларнинг ўз ваколатларини тўлақонли бажаришлари учун шарт-шароитларни яратиш, сайловолди ташвиқотини самарали олиб бориш бўйича тавсиялар берилди.

Қурултойда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг уставига қонунчиликка мувофиқ тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ СЪЕЗДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Съездда номзод ва ишончли вакилларнинг амалдаги сайлов қонунчилигида белгиланган нормалар асосида сайловчилар билан учрашувларини юқори савияда ташкил этиш, сайловолди ташвиқоти жараёнида номзоднинг сайловолди дастурини кенг ташвиқот қилиш, бу борада оммавий ахборот воситаларида ажратилган жой ва эфир вақтларидан самарали фойдаланиш, барча даражадаги партия ташкилотларининг фаол иштирокини йўлга қўйиш, ташвиқот материалларини тайёрлаш ҳамда партиянинг сайлов участкаларидаги муносиб кузатувчиларини танлаш каби бир қатор муҳим масалалар муҳокама этилди ва тегишли вазифалар белгиланди.

Съезд кун тартибидаги бошқа масалалар бўйича ҳам ҳудудий партия ташкилотлари раҳбарлари олдига тегишли вазифалар қўйилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунга асосан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни сўраб, партия томонидан Марказий сайлов комиссиясига тегишли ҳужжатлар тақдим этилади.

Съезд якунида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ташкил этилди.

"АДОЛАТ" СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Делегатлар "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонуннинг 24 ва 24²-моддаларига мувофиқ, "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Наримон Мажитович Умаровни номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги таклифни қўллаб-қувватлади.

Шундан сўнг қурултой иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига "Адолат" СДП номзодининг сайловолди дастури билан танишди.

Ушбу масала юзасидан сўзга чиққанлар партия номзодининг сайловолди дастури партия дастурий вазифаларига тўла мос экани, унинг мазмун-моҳиятида мамлакатимизни ҳар соҳада ривожлантириш, жамиятда адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш, халқимиз учун тинч ва фаровон турмуш шароитини яратишдек устувор ғоя ва мақсадлар мужассамлигини таъкидлади.

Қурултойда номзоднинг сайловолди дастури маъқулланди ва сайловолди ташвиқотини олиб боришда фойдаланиш учун партиянинг марказий ва қуйи ташкилотларига тавсия этилди.

Қурултой якунида делегатлар "Адолат" СДПдан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни рўйхатга олишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига белгиланган ҳужжатларни ўз вақтида тақдим қилиш масаласига тўхталиб ўтди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Қурултой якунлари бўйича журналистлар учун брифинг ташкил этилди.

ЎзА

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 7-Самарқанд сайлов округи матбуот марказида округ сайлов комиссияси аъзолари ва вилоятдаги оммавий ахборот воситалари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди. Учрашувда вилоятдаги оммавий ахборот воситаларида сайлов жараёнини ёритиш борасида амалга оширилаётган ишлар таҳлил этилиб, сайловга тайёргарликнинг навбатдаги босқичларида эътибор қаратилиши лозим бўлган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 10-Тошкент вилояти округ сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Округ сайлов комиссияси аъзолари, округ сайлов комиссияси матбуот маркази ходимлари ва журналистлар иштирок этган мажлисда 10-Тошкент вилояти округи ҳудудидаги участка сайлов комиссиялари аъзоларининг таркибини тасдиқлаш масаласи кўриб чиқилди.

● Нукус шаҳридаги 22-болалар мусиқа ва санъат мактабининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Санъат мактабининг икки қаватли янги биноси "Қорақалпоққурилишмонтаж" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан замонавий архитектура ва шаҳарсозлик талаблари асосида бунёд этилди. Бу ерда фортепьяно, миллий ва замонавий чолғу асбоблари, анъанавий хонандалик, хореография, эстрада, тасвирий ва амалий санъат йўналишлари бўйича алоҳида синф хоналари, 210 ўринли замонавий концерт зали мавжуд.

● Андижон давлат тиббиёт институтида "Ижтимоий шериклик – тинчлик, осойишталик ва барқарор ривожланиш манбаи" мавзусида семинар бўлиб ўтди. Семинарда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий-гуманитар соҳалардаги долзарб вазифаларни ҳал этишда давлат бошқаруви идоралари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, ижтимоий шериклик субъектларига ҳуқуқий-ахборот ва услубий ёрдам кўрсатиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

ЖАҲОНДА

● Мичиган университети олимлари Қуёш тизимида янги митти сайёрани кашф этишди. 2014 Uz224 номини олган кичик сайёра Қуёшдан 91 астрономик бирлик узоқлигида ҳаракатланмоқда. Диаметри эса 420-1180 километрни ташкил қилади.

● Россия пойтахти Москва шаҳрида биринчи қор ёғди ва шаҳардаги ҳаво ҳарорати Цельсий шкаласи бўйича +1 даражани ташкил этди. Синоптикларнинг маълумотларига кўра, шаҳардаги бу йилги қиш мавсуми ўтган йилгидан совуқроқ келиши мумкин.

● Германиянинг Людвигсбург шаҳрида Европа давлатлари фермерлари ўртасида бўлиб ўтган улкан қовоқлар чемпионатида бельгиялик фермер Матиас Виллемайнс томонидан етиштирилган қовоқ 1190 килограмм тош босиб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига кўра Ўзбекистон – суверен демократик республика. Республика деб номланишининг ўзиёқ мамлакат ишлари халқ иштирокида ҳал қилинишини англатади. Демократик дейилиши эса барча ишлар халқ учун, халқ иштирокида ва халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилишини билдиради. Шунинг учун ҳам Асосий Қонунимизда халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаи эканлиги, давлат ҳокимияти халқ манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг жамият ва фуқаролар олдида масъулликлари белгиланган.

БАРЧА УЧУН ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқнинг фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиши орқали амалга оширилиши қайд этилган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон халқи номидан фақат халқ сайлаган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Президент иш олиб бориши мумкинлиги мустаҳкамланган. Яъни эътибор беринг, халқ ваколат берадиган органлар кимдир ёки қайсидир орган ёки мансабдор шахс томонидан тайинланмайди, балки бевосита давлатнинг эгаси бўлган халқ томонидан умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайловларда яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Мамлакат фуқаролари ўзларининг номларидан иш юритиш ваколатига эга бўлган шахсларни сайловнинг моҳиятини ташкил этган танлов асосида танлаб оладилар. Бу моҳиятан нафақат шахсни танлаш, балки мамлакат ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ҳаёти, ички ва ташқи сиёсатининг мавжуд ҳолати, унинг келгусида қандай ривожланиши юзасидан номзодлар илгари сураётган стратегик дастурлар ичидан энг муносибини, халққа маъқулини ажратиб олиш ҳам демакдир.

Шу маънода 2016 йил 4 декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Ватанимиз тарихида ғоят муҳим ижтимоий-сиёсий воқеадир. Чунки, бизнинг юртимизда Президент – давлат бошлиғи мамлакатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш, Конституция ва қонунларга қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, давлат мустақиллиги, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этишга, давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши ва ҳамкорлик қилишига масъул шахс ҳисобланади. Шунинг учун ҳам сайлов жараёнларининг ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги қонунлар билан тартибга солинган.

Мазкур қонунларда фуқароларга ўз танловларини эркин, ихтиёрий ва адолатли равишда амалга оширишлари учун барча шарт-шароитлар кўзда тутилган. Аввалambор, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкий мавқеи, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадирлар. Мазкур ёш энг мақбул ҳисобланиб, бу ёшда шахс тиббий, биологик жиҳатдан вояга етади. БМТга аъзо бўлган давлатларнинг 178 тасида овоз бериш ёшининг 18 этиб белгиланганлиги ҳам мамлакатимизда тўғри йўлни танлаганимиздан далолатдир.

Қайд этиш жоизки, фуқаролар нафақат сайловда овоз бериш, балки, бутун сайлов жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунда белгиланган тартибда қатнашиш имкониятига эгадирлар. Бу дастлабки босқичда Президентликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватловчи имзо варақаларига имзо чекиб, сайлов комиссиялари таркибида аъзо бўлиб, тегишли сиёсий партиялар орқали номзодларини кўрсатиб, сиёсий партиялар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари сифатида кузатувчи бўлиб, номзодларни сиёсий партиянинг юқори органида кўрсатишда делегат сифатида, номзодлар уларни танлаганларида ишончли вакил сифатида сайловолди учрашувларида иштирок этиб бу жараёнда қатнашадилар. Яъни содда қилиб айтганда, сайловни бизга ҳеч ким четдан келиб ташкил қилиб бермайди, барчасини ўзимиз – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сифатида қонунларга асосланган ҳолда ташкил этамиз.

Сайлов қонунчилиги кенг турдаги муносабатларни қамраб олган бўлиб, унинг бир қирраси имконияти чекланган шахслар, беморлар, сайлов куни овоз бериш имкониятига эга бўлмаганлар учун ҳам тенг шарт-шароитларни яратиб берганидир. Бунинг ўзи ҳам фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмаслигининг бир ифодасидир.

"Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига асосан сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар, уларга референдумларда, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловларида бевосита қатнашиш ҳуқуқи кафолатланади. Бунда эътибор бериладиган жойи шундаки, давлат ўз қонуни билан "сайловчилар қаерда бўлишларидан қатъи назар" уларнинг хохиш-истаги, иродаси ифода этилишини ўзининг имкониятлари билан рўёбга чиқаришни кафолатламоқда. Шунинг учун ҳам мазкур қонуннинг 19-моддасида саломатлигининг ҳолати ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмайдиган сайловчилар участка сайлов комиссиясига тегишли илтимос билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга, бу комиссия овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этиши шартлиги белгилаб қўйилган. Бу кафолат ҳам ҳар бир овоз муҳим ҳисобланиши, халқ давлат ҳокимиятининг манбаи бўлганлиги боис сайлов масъуллари у қаерда бўлишидан қатъи назар унинг ҳохиш, истагини ҳисобга олишга мажбур эканлигини англатади.

Шунинг учун ҳам "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддасида Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, санаторийлар, дам олиш уйлари, касалхоналар ва бошқа доимий ишлайдиган даволаш муассасаларида, фуқароларнинг олис ва бориш қийин бўлган ерлардаги турар жойларида, қамоқда сақлаш жойларида сайлов участкаларининг тузилиши мумкинлиги белгиланди. Ушбу Қонуннинг 31-моддасида эса айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, участка сайлов комиссияси уларнинг илтимосига бинoан комиссия аъзоларига овоз беришни ана шу сайловчилар турган жойда ташкил этишни топширади.

Бундан ташқари, ўша куни яшаш жойида бўлолмайдиганлар учун ҳам тегишли кафолатлар қонунларда кафолатланган. "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг 18-моддасига асосан сайлов куни ўз турар жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар олдинроқ овоз бериш ҳуқуқига эгадирлар. Тегишли участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг талабига кўра бундай сайловчиларга белгиланган шаклда бўлган, номзодлар тўғрисида тегишли маълумотлар қайд этилган сайлов варақаларини беради. Сайловчилар тўлдирилган сайлов варақасини ёпиқ конвертда участка сайлов комиссияси аъзоларидан бирида қолдиришлари мумкин. "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 31-моддасига асосан сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга. Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга бир кун қолганида тугалланади. Муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг, оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади. Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслиги сабаблари (таътил, хизмат сафари, чет элга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида ўз яшаш жойидаги участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади.

Қонунчиликда айби суднинг ҳукми билан аниқланмагунга қадар шахс айбсиз деб ҳисобланишини эътиборга олган ҳолда фуқаролар сайлов ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш мақсадида сайлов участкалари тузилиши мумкин бўлган объектлар сирасига қамоқда сақлаш жойлари ҳам киритилган. Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига кўра, фақатгина суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар.

Агар фарзандимиз ёки бирон-бир қариндошимиз ҳарбий хизматда бўлса, уларга ҳам сайлов ҳуқуқи кафолатланади. Қонунга кўра сайлов участкалари ҳарбий қисмларда ҳам тузилади.

